

Адабиёт хар бир миллатнинг хисли кўнгул тарихининг энг коронгу хоналарида маишат (тирикчилик)нинг кетишига караб хар хил тусда ва рангда етишган, файзли тил бирла такдир этула олмайдиргон бир гулдир. Ушбу яшадигимиз мухит доирасинда анинг тўлкуни одамнинг хар хил маишатига караб ўзгарадир.

Хар синф, халкнинг ўзига махсус оханги, ўзига таъсир киладургон зори бўлур. Мана шул мухит бўшлигинда бўлган катъий тўлкуннинг бир-бирига бирлашмагидан хар одамга хар хил шодлик ва ё кўб аччик таъсир этмагидан одамнинг кўнглида ўзи билмасдан ўрнашуб колгон ва хар вақт, умрининг охирига қадар сакланатургон кайгуланмак ва ё кўкрак кериб кўб дам олурдай ох урмаклар — хамаси кўнгилда хар хил рангда, хар хил кайфиятда тўлуб ёткон адабиёт хосасиндан саналур. Киши баъзи вақтда шодликдан кулур ва баъзи вақтда кўз ёшин тўкуб йиглар, ох тортар. Одамнинг мундог хар хил кайфиятга кируб турмоги ўз ихтиёри нла бўлмай, балки маишати йўлида хар вақт учраб турадургон фалокатнинг анга баъзи вақтда зулм кўрсатмоги ва баъзи вақтда бир яхшилик кўрсатуб суюндирмогидин келуб — яхши кўрганда суюниб, ёмонлик кўрганда йиглаб — шундог бўлуб икки турли ўзгаруб турар, баъзи вақтда фалак бир одамни кайгуга солар, ул ўзи тушуниб, ўйлаб туруб, ох тортуб йиглар. Бу хасратларни ўз ичига сигдиролмас. Бировга айтса, «Вой бечора» деюрмукин, деб ўз кайгусини бировга айтмакка тилар. Тўп тўгри айтганда у қадар таъсир килмас. Адабиёт ила айтганда албатта таъсир килар. Менинг бир ошнамнинг ўлдиги хабари келар. Мен ҳеч хафаланмайман. Бир вақтда мактуб келар, мактубда аларнинг кўрган кунлари адабиёт ила бундай ёзилур:

Гуллар била пок кайгули махзун бокурди
Кўз ёшларимиз тўхтамай тун-кун окурди.

Мана шуни ўкуб албатта бир таъсир ила аларнинг кайгусига кўшулурмиз. Бир бола ухламаса алла айтарлар. Бола тез ухлаб кетар. Чунки ул андин бир лаззат хис кулур. Эски боболарининг бир маъшука учун Кошгар тарафларига яёв борганини ва йўлда ўгрилар тарафидан ўлтурулгани гоят яхши оханг билан айтилуру. Ул вақтда бола таъсириндан ухлаб кетар. Шунга ўхшаш ўзининг шавкат ва гайрати ила замонасида бутун дунёни хавор ва дахшатга солгон жахонгирларнинг ўтказган кунларин ва даврларин тарихларда кўрса ва эшитса хар киши юрагида бир ботирлик ва бир фидокорлик хис этар ва қахрамонона умидларда бўлинуру.

Мана шундай қахрамонона умид, қахрамонона хис ва қахрамонона гайрат — барчалари тарихий адабиётнинг натижасидан бошка нарса эмасдир. Ҳеч тўхтамасдан харакат килуб тургон вужудимизга, танимизга сув-хаво не қадар зарур бўлса, маишат йўлида хар хил кора кирлар ила кирланган рухимиз учун хам шул қадар адабиёт керакдир. Адабиёт яшаса — миллат яшар. Адабиёти ўлмагон ва адабиётининг тараккийсига чалишмаган ва

адиблар етишдирмагон миллат охири бир кун хиссиётдан, ўйдан, фикрдан махрум колуб, секин-секин инкироз бўлур. Муни инкор килиб бўлмас. Инкор килгон миллат ўзини инкирозда эканун билдирур.

Биздан бошка миллатларга кўз солсак кўрамизки, аларнинг олти ёшдан олтмиш яшар қариларина кадар адабиётдан бир лаззат олуб охир умрига кадар адабиёт ўқуб эшитмакни вазифаи миллиясидан хисоб килур. Мана шунинг учундирки, Оврўпонинг хар шахар ва кишлокларида хар кун, хар хафта адабиёт кечалари килинур, адабиёт ўқилур, нутк сўйлануб халк кўб кируб таъсирланурлар. Мана тотор кардошларимиз йилда бир дафъа бўлса хам шахар ва кишлокларида «Адабиёт кечалари» килуб халкга рух беруб кўб олқишлар, офаринлар олдиғини газеталардан ўқуб турмакдамиз. Бизлар эсақ адабиётдан лаззат олмак бир тарафда турсун, хатто боболаримиз ва болхоса «Ислом маданияти» замонинда катта рўл ўйнагон ва аларнинг маишатларин кўрсатган таърих умумийларни ўқуб англамоқдин хам кўб йирок тураммиз.

Бизни уламо ва эшонларимиз тўн киймақдан, авомларимиз чойхоналарга чиқуб чой ичмақдан ва зиёлиларимиз эса Овруро киюмликларидан ва кийматлик папирусларидан лаззат олурларки, «адабиёт нима?» десанг, жавобида юкорида айтилганча «яъни, масалан»дан бошка жавоблари йўқдир. Мана шунинг учундирки, кундан-кунга рухимиз тушуб, келадиргон истикболимизга умидсиз караб, бошка миллатлар каби шод ва умидли яшамайммиз ва бизда шодлик ва рух бўлмагани учун бир ишни киламмиз деб энди ўйлаганиммизда ўй йўқ — фикрлар чочилуб, аклларимиз паришон бўлуб кетар.

Адабиёт чин маъноси ила ўлган, сўнган каралган, ўчган, ярадор кўнгилга рух бермак учун, факат вужудимизга эмас, конларимизга кадар сингишган кора балчикларни тозалайдиргон, ўткур юрак кирларини ювадургон тоза маърифат суви, хиралашган ойналаримизни ёруг ва равшан келадиргон, чанг ва тупроглар тўлган кўзларимизни артуб тозалайдиргон булок суви бўлгонликдан бизга гоят керакдир.

Энди, эй, кардошлар! Адабиёт ўқуйлик. Адиблар етишдирайлук, «адабиёт кечалари» ясайлук. Рух, хис, туйгу, фикр, онг ва ўй олайлук, билайлук. Агарда «баёз» ва бемаъни бир-икки дона китоблар ила колсак, махву инкирозий бўлурммиз. Юрагимиз кундан-кун тошдан хам каттиг бўлур. Юракни эритайлук, рух берайлук, инкироз бўлмайлук. Меним бу ожизона фикрима кўшилтургонлар бўлса адабиётнинг фойдаси тўгрусинда «Оина» ва «Садо»ларимизга тарихий ва адабий макола ва шеърлар ёзсунлар, китоблар тартиб берсунлар. Хозирда бизга бирдан-бир лозим бўлгон нарса — адабиёт, адабиёт, адабиёт...

(1914)